

ХУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ВА ПРОФИЛАКТИКА САМАРАДОРЛИГИ: СУД-ПРОБАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА РАҚАМЛИ БАҲОЛАШ МУАММОЛАРИ

Xurramov Alisher Suyunovich

©O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi Universiteti mustaqil izlanuvchisi.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18378820>

Аннотация. Мазкур параграфда Ўзбекистонда суд–пробация тизимида жиноятчиликнинг “рақамлилашуви” шароитида профилактика самарадорлигини таъминлаш масалалари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинади. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар (киберфирибгарлик, онлайн талон-тороғ қилиш ва ҳ.к.) ортиб бораётгани фониди озодликни чеклаш жазосини ижро этишида анъанавий офлайн назорат индикаторларига суяниш “кўринмас рақамли девиация”ни барвақт аниқлаш имкониятини чеклаётгани асосланади. Суд амалиётида интернетдан фойдаланишни чеклаш чорасининг (ЖК 45-модда) қўлланилмаслиги ҳамда “Е-probatsiya” риск баҳолаши реал киберхатарлар билан мос келмаслигига доир кейс орқали тизимли узилишлар очиб берилади. Хулосада назорат предметини офлайндан онлайн риск профилига кенгайтириш, чекловларни индивидуаллаштириш ва рақамли мониторинг механизмларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўналишлари таклиф этилади.

Калит сўзлар: суд–пробация ҳамкорлиги; киберделикт; рақамли жиноятлар; Е-probatsiya; риск баҳолаш; RNR модели; ресоциализация; интернетдан фойдаланишни чеклаш; электрон мониторинг; рецидив; “blind spot”; data-driven policing.

ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНАЯ ПРАКТИКА И ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОФИЛАКТИКИ: АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ «СУД–ПРОБАЦИЯ» И ПРОБЛЕМЫ ЦИФРОВОЙ ОЦЕНКИ

Аннотация. В параграфе рассматриваются научно-практические аспекты повышения эффективности профилактики в системе “суд–пробация” в условиях цифровизации преступности в Узбекистане. На фоне роста преступлений, совершаемых с использованием информационных технологий (кибермошенничество, онлайн-хищения и др.), показано, что опора на традиционные офлайн-индикаторы контроля при исполнении наказания в виде ограничения свободы формирует риск “невидимой цифровой девиации” и снижает потенциал раннего выявления рецидива. На материале кейса обосновывается несоответствие оценок риска в “Е-probatsiya” реальным киберугрозам, а также выявляются недостатки судебной индивидуализации ограничений, включая редкое применение меры лишения/ограничения права пользования интернетом (ст. 45 УК). В выводах предлагаются направления совершенствования: переход к интегрированному профилю онлайн-рисков, алгоритмизация и объективизация KPI, а также правовое закрепление цифрового мониторинга и целевых ограничений.

Ключевые слова: судебно-пробационная система; киберпреступность; цифровая оценка; Е-probatsiya; риск-ориентированный подход; RNR; ресоциализация; ограничение доступа к интернету; электронный мониторинг; рецидив; цифровой след; прогнозирование риска.

LAW ENFORCEMENT PRACTICE AND PREVENTION EFFECTIVENESS: AN ANALYSIS OF COURT-PROBATION ACTIVITIES AND DIGITAL ASSESSMENT CHALLENGES

Abstract. This paragraph explores how the digitalization of crime challenges the effectiveness of prevention within Uzbekistan's court-probation system. As ICT-enabled offenses (e.g., cyber fraud, online theft) increase, conventional "offline compliance" indicators used in supervision of restriction-of-liberty sentences may fail to capture high-risk online behavior, creating blind spots and enabling recidivism. Using a case-based analysis, the paragraph demonstrates how risk classifications produced by "E-probatsiya" can diverge from real cyber threats when dynamic online indicators are underweighted or absent, and how insufficient judicial individualization—especially the non-application of internet-use restrictions under the criminal law framework—undermines targeted prevention. The conclusion advances reform directions: shifting from location/discipline metrics to integrated online risk profiles, strengthening evidence-based KPI, and legally embedding digital monitoring tools and tailored restrictions consistent with restorative and resocialization goals.

Keywords: court-probation; cybercrime; digital risk assessment; E-probatsiya; risk-based supervision; RNR model; resocialization; internet-use restriction; electronic monitoring; recidivism; digital behavior; data-driven policing.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичида жиноятчиликка қарши курашиш стратегияси жазоловчи (репрессив) чоралардан профилактик ва қайта тарбияловчи (ресоциализация) механизмларга тубдан трансформация қилинмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатига айлантириш устувор мақсад сифатида белгиланган¹. Шу нуқтаи назардан, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда суд ва пробация институтларининг ҳамкорлиги, жазони ижро этиш жараёнига рақамли технологияларни интеграция қилиш ҳамда фаолият самарадорлигини баҳолашнинг объектив мезонларини (KPI) жорий этиш масалалари долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Замонавий криминология ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида "жазолаш" (*retributive justice*) парадигмасидан "қайта тарбиялаш ва ресоциализация" (*restorative justice*) моделига ўтиш глобал тенденция ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар тўғрисида"ги Минимал стандарт қоидаларида (Токио қоидалари) ҳам ҳуқуқбузарга нисбатан жамиятдан ажратмаган ҳолда таъсир кўрсатиш чораларини кенгайтириш тавсия этилади². Ўзбекистон қонунчилигида ушбу ёндашув Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6196-сонли Фармони билан тасдиқланган "Жамоат хавфсизлиги концепцияси"да ўз ифодасини топган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

² Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций в отношении мер, не связанных с тюремным заключением (Токийские правила). Приняты резолюцией 45/110 Генеральной Ассамблеи от 14 декабря 1990 года // UN Documents A/RES/45/110.

бўлиб, унда пробация хизматини инсонпарварлаштириш ва соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш устувор вазифа сифатида мустаҳкамланган³.

Бирок, миллий қонунчилик базасининг такомиллашувиغا қарамай, ҳуқуқни қўллаш амалиётида – суд ҳукми чиқарилган пайтдан бошлаб маҳкумнинг тўлиқ тузалиш йўлига ўтгунига қадар бўлган жараёнда – жиддий тизимли узилишлар ва самарасиз механизмлар сақланиб қолмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, қонунчиликдаги янгиликларнинг амалиётга тўлиқ татбиқ этилмаслиги ва ҳуқуқни қўллашдаги субъектив ёндашувлар профилактика тизимининг самарадорлигини пасайтирувчи омиллардан биридир⁴.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозирги босқичида жиноятчиликка қарши курашиш тизимини “жазолаш” моделидан “профилактик прогнозлаш” ва “интеллектуал назорат” (smart control) парадигмасига ўтказиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ижроси доирасида суд ва пробация органлари фаолиятини рақамлаштириш жараёни жадаллашди⁵. Бирок, амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд механизмлар жиноятчиликнинг замонавий тенденцияларига, хусусан, ёшлар жиноятчилиги динамикасидаги кескин ўзгаришларга тўлиқ мослашгани йўқ.

Шу ўринда, сўнгги уч йиллик (2023–2025 йй.) статистик маълумотларнинг қиёсий таҳлили мамлакатдаги криминоген вазиятда *ёшлар (18–30 ёш) иштирокининг* барқарор юқорилигича қолаётганини ва хавотирли ўсиш тенденциясига эга эканлигини намоён этади. Хусусан, расмий маълумотларга кўра, *2023 йилда* республика миқёсида жами рўйхатга олинган жиноятлар сони *104 мингдан* ортиқни ташкил этиб, шундан *38,2 фоизи* бевосита ёшлар томонидан содир этилган. *2024 йил* якунларига келиб, умумий жиноятчилик кўрсаткичи *115 мингга* етиб, ёшларнинг улуши *41,5 фоизгача* кўтарилганлиги кузатилди⁶. *2025 йилнинг* биринчи ярмидаги дастлабки таҳлиллар ҳам ушбу салбий тенденция сақланиб қолаётганини, айниқса, мулкий ва иқтисодий жиноятлар таркибида ёшларнинг салмоғи ортиб бораётганини тасдиқламоқда.

Бу ўсишнинг сифат таркиби таҳлил қилинганда, анъанавий ҳуқуқбузарликлардан кўра, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг улуши кескин ортаётгани аниқланди. Хусусан, *2024 йилда “рақамли жиноятлар”* сони *2023 йилга* нисбатан *9,1 баробарга* ошган ва бу жиноятларнинг абсолют кўпчилиги (*қарийб 85 фоизи*) айнан *18-30 ёш оралигидаги шахслар ҳиссасига тўғри келган*⁷. Бу рақамлар ёшлар

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

⁴ Исмаилов И. Жиноятчиликнинг криминологик тавсифи ва унинг олдини олиш: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б. 145-148; Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 1-том. – Т.: IIm-Ziyo, 2018. – Б. 210.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги ва ИИВ Академияси таҳлилий марказининг “Ўзбекистонда жиноятчилик ҳолати ва тенденциялари (2023-2024)” номли йиллик тўплами маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари. // Манба: STAT.UZ ва IIV.UZ.

⁷ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Киберхавфсизлик марказининг 2024 йилдаги кибержиноятчилик ҳолати бўйича расмий таҳлилий ахбороти. // Марказнинг расмий веб-сайти: www.csec.uz.

жиноятчилигининг “*виртуаллашуви*” жараёни жадал кечаётганидан, суд ва пробация тизими эса бу ўзгаришга улгурмаётганидан далолат беради.

Хусусан, пробация назорати амалиётида киберделиктлар (*ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик*, “онлайн” талон-торож қилиши ва ҳ.к.)нинг ўсиши жазо ижросининг анъанавий назорат моделлари билан рақамли муҳитдаги жиноий хатарлар ўртасида *институционал номутаносиблик* мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, “*озодликни чеклаш*” жазоси ижроси, одатда, маҳкумнинг *жисмоний ҳаракатланиши*, яшаш жойини ўзбошимчалик билан тарк этмаслиги, инспектор талабларига риоя этиши, белгиланган маъмурий мажбуриятларни бажариши каби офлайн кўрсаткичлар орқали мониторинг қилинади. Бироқ ахборот технологиялари воситасида содир этиладиган жиноятларда *хавф канали* жисмоний макон эмас, балки *онлайн-платформалар, мобил қурилмалар ва рақамли коммуникациялар* тармоғида шаклланади. Шу боис, назоратнинг формал кўрсаткичлари ижобий бўлган ҳолатнинг ўзи “*жиноят хавфи паст*” деган хулоса чиқариш учун етарли эмас аксинча, бундай вазиятда “*офлайн итоаткорлик*” рақамли муҳитдаги хатарларни яширувчи *парадокс* сифатида намоён бўлиши мумкин.

Мазкур методологик ва амалий муаммонинг типик кўриниши сифатида А.К. (2002 йилда туғилган, ишсиз)га оид суд амалиёти материали эътиборга лойиқ. Хусусан, жиноят иши фабуласига кўра, у 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “г” банди (*ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик*) билан судланган ҳамда унга 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган. Шу билан бирга, суд томонидан ЖК 45-моддасига асосан интернетдан фойдаланишни чеклаш чораси қўлланилмаган. Демак, суд қарорининг ижро архитектурасида жиноятнинг “*асосий воситаси*” ҳисобланган рақамли муҳитга нисбатан махсус чеклов (*таъсирчан профилактик филтър*) назарда тутилмай қолган. Бу ҳолат жазо ижросида *мақсадлилиқ* тамойили нуқтаи назаридан баҳоланганда, жиноят содир этилган канал сақланиб қолаётган шароитда пробация назоратининг умумий регламентлари хатарни тўлиқ қоплай олмаслиги хавфини кўтариб чиқаради.

Пробация назорати даврида А.К. ташқи (офлайн) кўрсаткичлар бўйича интизомли бўлган, у жисмонан яшаш жойини тарк этмаган, инспекторнинг талабларини бажарган, натижада “*E-probatsiya*” тизимида унинг хавф даражаси “*паст*” (*яшил зона*) сифатида баҳоланган. Бироқ мазкур ижобий баҳолаш амалда рақамли муҳитдаги воқелик билан мос келмаган бўлиб, маҳкум уй шароитида мобил қурилма орқали “*Telegram*”да сохта каналлар ташкил қилиб, 40 дан ортиқ фуқаронинг пластик карталаридан жами 120 млн сўм маблағни яширин равишда талон-торож қилган. Натижада, 2024 йил охирида у рецидив жиноят содир этган шахс сифатида қайта жиноий жавобгарликка тортилган⁸. Ушбу фабула, бир томондан, киберделиктларда жиноят содир этиш “жойни тарк этмаслик” шароитида ҳам осон амалга ошишини, иккинчи томондан эса, риск баҳолашда офлайн индикаторлар устун келган тақдирда “*паст хавф*” хулосаси реал жиноий фаолликни инкор этмаслигини кўрсатади.

Илмий нуқтаи назардан мазкур ҳолатни “*кўринадиган риоя*” ва “*кўринмас рақамли девиация*” ўртасидаги тафовут сифатида тавсифлаш мумкин: пробация назоратида ижро

⁸ Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди 2024 йил январь ойининг 17 куни, ўз биносида, очик суд мажлисида ЖКнинг 226-моддаси 2-қисми “а” банди билан айблаш тўғрисидаги Хукми // <https://www.bing.com>

интизоми ва ҳисобот берувчанлик тўғри йўлга қўйилган бўлса-да, жиноятнинг рақамли табиати сабабли хавфнинг асосий детерминантлари (*онлайн алоқалар, аноним платформа инфратузилмаси, сохта аккаунт/каналлар, рақамли тўловлар орқали “масофавий” талон-тороғ қилиши*) назоратнинг марказий объектига айланмаган. Бундай шароитда “*E-probatsiya*”нинг яшил зона баҳоси, эҳтимол, асосан статик ва офлайн кўрсаткичларга суянган; кибермуҳитга хос динамик индикаторлар эса етарли даражада ҳисобга олинмаган ёки уларнинг оғирлиги паст бўлган. Натижада, бошқарув нуктаи назаридан “*хавф паст*” деган тасниф қарор қабул қилишни хотиржамлаштирган, амалда эса хавфни нейтраллаштиришга қаратилган ҳуқуқий-ташқилий механизмлар (*мақсадли чекловлар, рақамли мониторинг, профиллаштириши*) ишга тушмаган.

Шу тарзда, А.К. фабуласи киберфирибгарликка оид ишлар бўйича суд қарорларида ва пробация амалиётида *рискка асосланган ёндашувни* қайта кўриб чиқиш зарурлигини асослайди. Агар жиноят ахборот технологиялари воситасида содир этилган бўлса, жазо ижроси механизмлари ҳам жиноятнинг айнан шу муҳитига мослаштирилиши, яъни интернетдан фойдаланишни чеклаш масаласи индивидуаллаштирилган тарзда ҳал қилиниши, рақамли “*хавф профили*” шакллантирилиши ва назоратнинг “*офлайн–онлайн*” интеграцияси таъминланиши лозим. Акс ҳолда, жисмоний чекловлар тўлиқ ижро этилгани ҳақидаги формал хулоса рақамли муҳитда давом этаётган жинойи фаолликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш имкониятини пасайтиради, бу эса рецидив хавфини институционал даражада оширади. Шу ўринда, мазкур фабула ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги *учта фундаментал муаммони илмий асослашга* хизмат қилади.

Биринчидан, жиноятчиликнинг рақамлилашуви ва назорат методларининг анъанавийлиги ўртасидаги номуносивлик мавжуд. Жиноят “*рақамли канал*” орқали содир этилаётган бўлса-да, озодликни чеклаш жазоси ижросидаги назорат амалиёти, кўп ҳолларда, “*локатив-интизом*” параметрларига таянади. Натижада жиноятнинг асосий детерминанти — *онлайн муҳитдаги фаолият* — ҳуқуқий-ташқилий таъсирдан ташқарида қолиши мумкин. Шу маънода, профессор *И. Исмаилов* таъкидлаган фикр назарий жиҳатдан муҳим. Яъни, “*профилактика тизими жиноятчилик детерминантлари ўзгарганини тан олиши керак. Бунда агар жиноятчилик “рақамли” бўлса, профилактика ҳам “рақамли” ва “интеллектуал” бўлиши шарт*”, акс ҳолда институтлар “оқибатлар билан курашувчи статистик идора”га айланиб қолади⁹. Ушбу фабула кейс мисолида ўз тасдиғини топади. Яъни, суд жазони индивидуаллаштиришда интернетдан фойдаланишни чеклаш каби мақсадли профилактик филтрни ишга туширмаган, пробация назорати эса маҳкумнинг виртуал муҳитдаги криминоген фаоллигини барвақт аниқлашга қодир инструментлар билан таъминланмаган бўлади.

Иккинчидан, “*рақамли формализм*” хавфи — яъни рақамли тизим реал хавфни эмас, “*қозғоғдаги (ёки интерфейсдаги) итоткорлик*”ни баҳолаши — юзага чиқади. Пенитенциар ҳуқуқ назариясида *В.И. Селиверстовнинг “рақамли бюрократия”* ҳақидаги ёндашуви бундай ҳолатни тушунтиришга имкон беради. Бунда рақамлаштирилган назорат тизимлари индикаторлари мазмунан тўғри конфигурация қилинмаса, улар шахснинг хавфли хулқ-атворини нейтраллаштириш ўрнига, формал мувофиқликни “*балл*”га

⁹ *Исмаилов И.* Жиноятчиликнинг криминологик тавсифи ва унинг олдини олиш муаммолари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б. 112.

айлантириб, самарадорлик иллюзиясини кучайтиради¹⁰. Жиноят фабуласида “*E-probatsiya*” маҳкумнинг физик жойлашуви ва инспектор талабларига риоясини “*ижобий*” деб қайд этган, бироқ унинг Telegram орқали жиноий фаолиятини (digital behavior) аниқлаш имкониятига эга бўлмаган. Демак, рақамлаштиришнинг ўзи ечим эмас балки ҳал қилувчи масала — назорат предметини (онлайн хавф каналлари) тўғри белгилаш ва баҳолаш индикаторларини шу предметга мослаштиришдир.

Учинчидан, мазкур вазият RNR (Risk–Need–Responsivity) модели нуқтаи назаридан пробация сиёсатидаги концептуал узилишни кўрсатади. D. Andrews ва J. Bonta ишлаб чиққан мазкур моделга кўра, самарали пробация: а) хавф даражасига мос назоратни (Risk); б) рецидивни туғдирувчи криминоген эҳтиёжларни (Need) мақсадли бартараф этишни; в) таъсир чораларини шахснинг қабул қилиш имкониятига мослаштиришни (Responsivity) талаб қилади¹¹. Мазкур жиноят фабуласида эса “*Risk*” нотўғри баҳоланган (*офлайн интизом асосида “наст”*), “*Need*” эса блокланмаган. Шунингдек, кибержиноят учун хос бўлган “тез бойиш” мотиви, онлайн манипулятив сценарийлар, мессенжер инфратузилмаси ва рақамли анонимлашув имкониятлари нейтраллаштирилмаган. Бундан ташқари, ёшлар психологияси ва рақамли одатларига мос таълимий-реабилитацион чоралар институционал даражада тўлиқ таъминланмаган. Шу боис, пробация назорати “*жисмоний назорат*”ни муваффақиятли ижро этган кўринса-да, киберделиктларда рецидивнинг асосий сабаб-каналлари очик қолган.

Шундай қилиб, суд–пробация амалиётидаги мазкур жиноят фабуласи мазкур параграф учун қуйидаги умумий хулосани асослайди. Яъни, кибержиноятчилик шароитида профилактика самарадорлигини оширишнинг калити — назорат ва баҳолашни “*офлайн интизом*” мезонларидан онлайн риск профили мезонларига кенгайтириш, суд қарорларида чекловларни жиноят содир этилган муҳитга мос индивидуаллаштириш, ҳамда RNR модели талабларига мувофиқ равишда криминоген эҳтиёжларни мақсадли блоклайдиган институционал механизмларни (*рақамли хавф индикаторлари, назоратланган рақамли режим, махсус коррекцион/таълимий дастурлар*) жорий этишдан иборат. Акс ҳолда, “*рақамли баҳолаш*” тизимлари реал хавфни эмас, формал мувофиқликни акс эттириб, қайта жиноят содир этиш (рецидив) хавфини пасайтириш ўрнига, уни ўз вақтида кўрмасликка олиб келиши мумкин.

Шу ўринда, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, миллий амалиётдаги мавжуд ёндашувлар, хусусан, “*E-probatsiya*” тизими ва суд органларининг профилактик фаолияти ханузгача анъанавий *физик назорат* усулларига (*даволатни текишириш, профилактик суҳбатлар ўтказиш*) асосланган ҳолда қолмоқда. Ваҳоланки, 2023–2025 йиллардаги глобал криминологик тенденциялар ёшлар жиноятчилигининг динамикаси виртуал муҳитга кўчаётганини, “*кибер-делинквентлик*” (cyber-delinquency) ҳолатларининг ёшариб бораётганини тасдиқлайди. Бу эса профилактика тизими олдида янги — “*маълумотларга асосланган бошқарув*” (*data-driven policing*) ва “*рақамли хулқ-атвор таҳлили*”га ўтиш талабини қўймоқда.

Хусусан, ривожланган давлатлардан *Буюк Британия* ва *Эстония* тажрибасининг қиёсий таҳлили шундан далолат берадики, ёшлар ўртасидаги рецидив жиноятларни

¹⁰ Селиверстов В.И. Проблемы цифровизации исполнения уголовных наказаний // *Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА)*. – 2019. – № 7. – С. 89-94.

¹¹ Andrews, D. A., Bonta, J. *The Psychology of Criminal Conduct*. 6th Edition. New York: Routledge, 2017. – P. 45-60.

жиловлашда эндиликда фақат маъмурий чоралар етарли бўлмай, балки сунъий интеллект элементларига асосланган “*рақамли пробацция*” моделлари юқори самарадорликни намоён этмоқда.

Хусусан, *Буюк Британия* адлия тизимида ҳуқуқбузарлик хавфини баҳолашнинг *OASys (Offender Assessment System)* алгоритмик модели жорий қилинган бўлиб, у анъанавий назоратдан фарқли ўлароқ, проактив хусусиятга эга. Сўнгги йиллардаги амалиётда кибержиноят содир этган ёки интернет орқали ғайририжтимоий ҳаракатларга мойиллиги юқори бўлган ёшларга нисбатан “*Remote Monitoring Software*” (*Масофавий мониторинг дастури*) муваффақиятли қўлланилмоқда. Мазкур механизмнинг илмий-амалий аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади:

1. **Проактив аниқлаш.** Бунда махсус дастурий таъминот маҳкумнинг рақамли қурилмаларидаги (смартфон, компьютер) фаолликни таҳлил қилиб, тақиқланган контентга уриниш, онлайн қимор сайтларига кириш ёки “*DarkNet*” тармоғидаги шубҳали ҳаракатларни реал вақт режимида мониторинг қилади.

2. **Тезкор сигнал тизими.** Бунда тизим алгоритми хавфли хулқ-атвор намунасини аниқлаши билан пробацция офицерига автоматик сигнал юборади. Бу профилактика субъектига жиноят содир этилганидан кейин эмас, балки унга мойиллик босқичидаёқ (“*pre-crime*” босқичида) аралашиш имконини беради¹².

Шунингдек, *Эстония Республикаси* тажрибаси идоралараро рақамли интеграциянинг рецидив жиноятчиликни олдини олишдаги самарасини кўрсатади. Мамлакатнинг “*e-Estonia*” экотизими доирасида “**Суд — Пробацция — Банк**” интеграцион занжири яратилган. Бу ёндашув, айниқса, ишсиз ва муқаддам судланган ёшларнинг ноқонуний даромад орттириш йўлига киришини прогноз қилишда муҳим аҳамият касб этади. Тизимнинг ишлаш мантиғига кўра, агар пробацция назоратидаги ишсиз маҳкумнинг банк ҳисобрақамига мунтазам равишда ёки шубҳали миқдорда маблағлар келиб тушса, ягона ахборот тизими буни “*молиявий аномалия*” сифатида қайд этади ва “**рецидив хавфи**” (*risk of recidivism*) индикаторини фаоллаштиради. Бу пробацция хизматида назорат остидаги шахснинг яширин иқтисодиётга жалб қилинганлиги (*масалан, “дроппер” сифатида фойдаланиш ёки гиёҳвандлик воситалари савдосидан тушум*) эҳтимолини тезкор таҳлил қилиш учун асос бўлади¹³.

Юқорида илмий изланиш ва таҳлиллардан келиб чиқиб, ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибалари ва Ўзбекистон миллий амалиёти ўртасидаги тафовутлар шундаки, миллий тизим (“*E-probatsiya*”) асосан *статик функцияни* (рўйхатга олиш, маълумот сақлаш) бажараётган бўлса, *Буюк Британия* ва *Эстония* моделларида рақамли технологиялар *динамик функцияни* (хулқ-атворни прогнозлаш ва ўзгартириш) бажармоқда. Шу боис, диссертация доирасида миллий қонунчиликка “рақамли пробацция назорати” тушунчасини киритиш ҳамда ваколатли органларга суд санкцияси асосида хавф гуруҳидаги ёшларнинг “рақамли изи”ни мониторинг қилиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

¹² *Ministry of Justice UK*. (2024). *Digital Strategy 2025: Transforming Justice through Data and Technology*. London: HM Prison and Probation Service. pp. 14-18; **Mair G., & Burke L.** (2023). *Redemption, Rehabilitation and Risk Management: Probation Practice in England and Wales*. Oxford University Press. 45-6.

¹³ *Tammpuu P.* (2024). *The Digitalization of Justice Systems: Lessons from Estonia's e-File and Probation Monitoring Tools*. Tallinn University Law Review, 12(1), 34-39; *European Commission.* (2023). *Comparative Study on Digital Tools in Probation Services across EU Member States*. Brussels: Directorate-General for Justice. pp. 88-91.

Ўтказилган тадқиқотлар ва амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда суд-пробация тизимининг самарадорлигини ошириш фақатгина ташкилий чоралар билан чекланиб қолмаслиги лозим. Хусусан, таҳлил қилинган эмпирик маълумотлар ва жиноят иши материаллари миллий қонунчиликда рақамли муҳит хатарларини нейтраллаштирувчи императив нормаларнинг йўқлиги рецидив жиноятчиликка йўл очётганини тасдиқлади.

Шу боис, “*Жамоат хавфсизлиги концепцияси*”да белгиланган вазифалар ва ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидаги уч йўналишда қонунчиликни такомиллаштириш таклиф этилади.

Биринчидан, “Рақамли пробация” институтини қонунийлаштириш. Тадқиқот давомида аниқландики, амалдаги қонунчиликда жазони ижро этиш жараёни асосан маҳкумнинг физик ҳаракатланишини назорат қилишга қаратилган бўлиб, виртуал муҳитдаги хулқ-атвор (digital behavior) ҳуқуқий тартибга солиш объектидан ташқарида қолмоқда. *Буюк Британиянинг OASys* ва *Remote Monitoring* тизимлари тажрибаси шуни кўрсатадики, назорат самарадорлиги жиноят содир этиш воситаларига мос бўлиши шарт.

Шу муносабат билан, **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига янги “Рақамли пробация назорати ва электрон мониторинг” деб номланган 44¹-модда** киритиш таклиф этилади. Мазкур норма нафақат электрон билакузук тақишни, балки суд ажрими асосида маҳкумнинг интернет тармоғидаги фаоллигини махсус дастурий таъминот орқали мониторинг қилишни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Бу ўзгариш пробация хизматига “*кўринмас рақамли девиация*”ларни барвақт аниқлаш имконини беради.

“44-1-модда. Рақамли пробация назорати ва электрон мониторинг

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жиноят содир этганлиги учун озодликни чеклаш жазоси тайинланган ёки шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд ажрими асосида рақамли пробация назорати ўрнатилиши мумкин. Рақамли пробация назорати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1. маҳкумнинг рақамли қурилмаларига (смартфон, компьютер) унинг интернет тармоғидаги фаоллигини қайд этувчи махсус дастурий таъминотни ўрнатиш;*
- 2. тақиқланган контентга уринишларни, онлайн қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар сайтларига киришни масофавий мониторинг қилиш;*
- 3. маҳкумнинг ижтимоий тармоқлардаги хулқ-атворини таҳлил қилиш.”*

Мазкур таклифни амалга ошириш келгусида пробация назоратининг самарадорлиги ва рискка асосланган бошқарув имкониятларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади.

а) назоратнинг “*кўр-кўрона нуқталари*” (blind spot) қисқаради ва назорат объекти бўйича маълумот манбалари диверсификацияланади. Амалдаги амалиётда пробация инспектори кўпроқ маҳкумнинг жисмоний макондаги (яшаш жойи, ҳаракатланиш траекторияси, учрашувлар, меҳнат/таълим режими) интизомини мониторинг қилиш билан чекланиб қолади. Таклиф этилаётган ёндашув эса назоратни рақамли муҳитга ҳам кенгайтиради: маҳкумнинг интернет-фойдаланиш профили, виртуал мулоқот тармоқлари ва кибермуҳитдаги хавф индикаторлари орқали унинг потенциал криминоген мойилликлари эртароқ аниқланади. Натижада пробация назорати “фақат кўринадиган хулқ”ни қайд этишдан “кўринмас риск траекторияси”ни баҳолашга ўтади, яъни жиноятни содир этган шахснинг хавфли хатти-ҳаракатлари реал вақт режимида мониторинг қилинади.

б) “*жиноятдан олдинги*” (pre-crime) босқичда превентив аралашув институционал механизми шаклланади. Хусусан, маҳкумнинг тақиқланган ахборот ресурсларига кириши, жиноий контентга мурожаат қилиши ёки алданиш схемаларига хос рақамли алоқаларни амалга ошириши каби ҳолатларда автоматик огоҳлантириш (signal-based alert) тизими ишга тушади ва инспектор тезкор тарзда профилактик таъсир чораларини қўллаш имконига эга бўлади. Бу эса назоратни “*пасфактум*” (содир бўлган ҳолатдан сўнг реакция) моделидан “*проактив*” (эрта сигнал–эрта интервенция) моделига ўтказиб, рецидив хавфини барвақт пасайтириш, маҳкумнинг хулқини коррекция қилиш ҳамда ижтимоий реинтеграцияни мақсадли бошқаришга хизмат қилади.

Иккинчидан, кибержиноятлар учун “интернетдан маҳрум қилиш” чорасини мажбурий этиб белгилаш. Ўрганилган суд амалиёти шуни кўрсатдики, ахборот технологиялари воситасида жиноят содир этган шахсга нисбатан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилмаслиги ва интернетдан фойдаланиш ҳуқуқи чекланмаслиги, унга уй қамоғи шароитида ҳам жиноий фаолиятни давом эттириш имконини берган. Бу ҳолат жазонинг мақсадлилиги тамойилига зиддир. Шу боис, **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг**

45-моддасига қўшимча киритиб, агар жиноят ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, айбдорни глобал тармоқдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони **мажбурий тартибда** қўллаш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу таклиф рецидив хавфининг асосий каналини ёпишга ва RNR моделига кўра криминоген эҳтиёжларни блоклашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “*Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш*” деб номланган **45-моддаси** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдириш таклиф этилади. Жумладан:

“Агар жиноят ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, айбдорни ахборот глобал тармоғидан (Интернет) фойдаланиш, виртуал молиявий операцияларни амалга ошириш ёки электрон платформаларда аккаунт яратиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо мажбурий тартибда қўлланилади. Бунда мазкур чеклов шахснинг таълим олиши ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланишига тўсқинлик қилмаслиги лозим”.

Мазкур таклиф келажакда қуйидаги ижобий натижаларга эришига хизмат қилади.

Хусусан:

а) суд амалиётида жазони индивидуаллаштириш билан боғлиқ баҳолаш мезонларининг ноаниқлиги қисқаради ва қарор қабул қилишда субъектив ёндашувлар камаяди. Ахборот технологияларидан фойдаланиб жиноят содир этган шахсларга нисбатан интернетдан фойдаланишни чеклаш чораси “*ихтиёрий имконият*” сифатида эмас, балки жиноятнинг инструментал табиатига мос *мажбурий превентив стандарт* сифатида қарор топади. Шу орқали кибержиноятчиликда “*қурол*” вазифасини бажарадиган рақамли инфратузилмадан (интернет, мессенжерлар, платформа экотизими) фойдаланишни “*қуролсизлантириш*” тамойили қонунни қўллаш амалиётида қатъий қоидага айланади ва бир хил турдаги ишлар бўйича суд қарорларининг прогнозланувчанлиги ошади.

б) рецидив жиноятчиликнинг асосий функционал канали бўлган рақамли муҳит (интернет тармоғи) *жисмоний изоляция қўлламадан* туриб ҳам самарали тарзда чекланади. Яъни маҳкумнинг жамиятдан ажратилмаган ҳолатда қолиши реабилитация ва

ижтимоий мослашув мақсадларига зид келмаган ҳолда, унинг қайта жинойт содир этиш имкониятини таъминловчи асосий ресурс — онлайн платформалар, алоқа каналлари ва рақамли “инструментлар”га кириши блокланади. Натижада назорат ва чеклов чоралари шахсни жисмоний муҳитдан узишга эмас, балки жинойт хулқни вужудга келтирадиган *инфратузилмавий имкониятни нейтраллаштиришга* қаратилган мақсадли механизм сифатида ишлайди.

Учинчидан, пробацья назоратида молиявий мониторинг механизмини жорий этиш. Эстония Республикасининг “Суд — Пробацья — Банк” интеграцион модели таҳлили шуни кўрсатдики, ишсиз маҳкумларнинг ноқонуний даромадларини (масалан, “дроппер”лик фаолиятдан тушумларни) назорат қилмасдан туриб, самарали профилактикага эришиб бўлмайди. Шу сабабли, **“Пробацья тўғрисида”ги Қонунга** кўшимча киритиш орқали, ишсиз ёки даромад манбаига эга бўлмаган назоратдаги шахсларнинг банк ҳисобрақамларидаги шубҳали айланмалар тўғрисидаги маълумотларни прокурор санкцияси асосида Пробацья хизматида тақдим этиш механизмини яратиш лозим. Бу амалиётдаги “*молиявий аномалия*”ларни аниқлаш ва ёшларни жинойт схемаларга жалб қилинишининг олдини олишга илмий асосланган ечим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Пробацья тўғрисида”ги Қонуни **“Пробацья назоратидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” деб номланган 18-моддасини** қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Пробацья хизмати, агар назоратдаги шахс расмий даромад манбаига эга бўлмаса ёки иқтисодий ва кибержинойтлар учун судланган бўлса, прокурор санкцияси асосида унинг банк ҳисобрақамларидаги шубҳали молиявий операциялари тўғрисидаги маълумотларни тижорат банкларидан сўраб олиш ва таҳлил қилиш ҳуқуқига эга. Бунда банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг конфиденциаллиги қонунчиликда белгиланган тартибда таъминланади”.

Мазкур таклиф келажакда қуйидаги ижобий натижаларга эришига хизмат қилади. Хусусан:

а) расман “*ишсиз*” мақомига эга бўлган, бироқ амалда ноқонуний (жинойт) манбалар ҳисобидан даромад олаётган ёшларни эрта аниқлашга хизмат қилувчи самарали идентификация механизми жорий этилади. Бунда “Estonian model”нинг асосий ғоялари миллий ҳуқуқни қўллаш амалиётига мослаштирилиб, маълумотлар интеграцияси ва рақамли таҳлил орқали “яширин даромад—яширин риск” боғланиши институционал тарзда очиқ берилади.

б) “*рецидив хавфи*” (*risk of recidivism*) индикатори декларатив баҳолашдан чиқиб, объектив ва текшириладиган иқтисодий мезонлар билан асосланади. Яъни риск профилини шакллантиришда шахснинг молиявий-хўжалик фаолиятига доир аниқ кўрсаткичлар (масалан, расмий даромад ва харажатлар мутаносиблиги, трансакциявий фаоллик, мулкӣ ҳолат динамикаси) ҳисобга олиниб, пробацья назорати қарорлари далилга таянган ва прогноزلанувчан кўриниш касб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юқоридаги таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши суд-пробацья фаолиятини анъанавий “*жазолаш*” ва “*рўйхатга олиш*” моделидан, “*профилактик прогнозлаш*” ва “*интеллектуал назорат*” (smart control) парадигмасига ўтказишни таъминлайди. Натижада, тизим расмий статистика учун эмас, балки шахснинг реал тузалиши ва жамият хавфсизлиги учун ишлайдиган механизмга айланади.